



ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСФЕРТ БАҲОНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИГА ЖОРИЙ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Махмудов Фирдавс Рахмонович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси.

Тошкент, Ўзбекистон. f.maxmudov@soliq.uz

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a41

Аннотация

Жаҳондаги нуфузли компанияларда молиявий ҳолатни барқарорлаштириш, янги иш ўринларини яратиш ва иқтисодий ўсишга эришиш мақсадида «бошқарувнинг халқаро стандартларига ўтиш, кластер ва кооперация тизимидаги субъектларда молиявий битимлар тузиш жараёнида трансферт баҳолардан фойдаланиш, операцион сегментлар бўйича молиявий ва бошқарув ҳисоботларини тақдим этиш» лозимлиги белгилаб қўйилган. Халқаро тажриба мазкур муаммоларнинг назарий-услубий ва ташкилий жиҳатлари бўйича етарлича ахборотлар базаси шакллантирилганлиги, бу борада махсус илмий-инновацион тадқиқотлар олиб борилаётганлигига гувоҳлик бермоқда. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, «Буюк Британия ва АҚШ компаниялари ўртасида АҚШ Федерал солиқ хизмати (IRS) томонидан савдо битимлари жараёнида трансферт баҳони шакллантиришда роялти ва бошқа харажатларни ноқонуний тақсимлаш натижасида олинган 3,4 млрд. Долларлик даромадни Англияда жойлашган Бош корхонага қайтарилганлиги» масаланинг жиддий ва муҳимлигидан далолат беради.¹

Калит сўзлар: бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, бозор нархи, бошқарув ҳисоби, трансферт баҳо, солиқ ставкаси.

Аннотация

Для стабилизации финансового положения, создания новых рабочих мест и достижения экономического роста в престижных мировых компаниях установлено, что необходимо «перейти на международные стандарты управления, использовать трансфертное ценообразование в процессе заключения финансовых сделок в субъектов кластера и кооперативной системы, а также представлять финансовую и управленческую отчетность по операционным сегментам». Мировой опыт свидетельствует о том, что по теоретико-методологическим и организационным аспектам этих проблем сформирована достаточная информационная база, в связи с этим проводятся специальные научные и инновационные исследования. Согласно исследованию, «Федеральная налоговая служба США (IRS) получила 3,4 миллиарда долларов, полученных в результате незаконного распределения роялти и других расходов в процессе торговых сделок между британскими и американскими компаниями в процессе формирования трансфертного ценообразования». Тот факт, что

¹ Руководство по трансфертному ценообразованию в отношении финансовых сделок: Всеобъемлющие рамочные механизмы плана BEPS: Задачи 4, 8-10, ОЭСР (2020), Париж, www.oecd.org/tax/beps/transferpricing-guidance-on-financial-transactions-inclusive-framework-on-beps-actions-4-8-10.htm. <https://www.journalofaccountancy.com/issues/2013/oct/20137721.html>

долларовый доход был возвращен основной компании, расположенной в Англии», говорит о серьезности и важности вопроса.

Ключевые слова: бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, хозяйствующие субъекты, налоговый потенциал, нормативный анализ, положительный анализ, налоговая нагрузка, рыночная цена, управленческий учет, трансфертное ценообразование, налоговая ставка.

Abstract

In order to stabilize the financial situation, create new jobs and achieve economic growth in prestigious global companies, it has been established that it is necessary to “switch to international management standards, use transfer pricing in the process of concluding financial transactions in cluster entities and the cooperative system, and also provide financial and management reporting by operating segments. World experience shows that a sufficient information base has been formed on the theoretical, methodological and organizational aspects of these problems, in connection with this special scientific and innovative research is being carried out. According to the study, "The Internal Revenue Service (IRS) received \$3.4 billion in illegal distribution of royalties and other expenses in trade transactions between British and American companies in the transfer pricing process." The fact that the dollar income was returned to the main company located in England speaks of the seriousness and importance of the issue.

Key words: budget policy, budget, tax administration, business entities, tax potential, regulatory analysis, positive analysis, tax burden, market price, management accounting, transfer pricing, tax rate.

Кириш

Халқаро солиққа тортиш – турли мамлакатлар солиқ қонунчилигида тадбиркорлик фаолияти субъекти ёки жисмоний шахсга солиқ тайинлаш ёхуд алоҳида мамлакатлар солиқларининг халқаро жиҳатларидир. Трансферт баҳоларнинг шаклланиши, капиталнинг ошишига доир солиқлар, доимий ваколатхоналарни солиққа тортиш, тўлов манбасидан ундириладиган солиқлар – бу амалиётчилар энг кўп тўқнашадиган асосий муаммоларнинг айримлари ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда трансферт баҳолари солиқ тўловчилар ва солиқ органлари учун ҳам бирдек аҳамиятли, чунки улар даромад ва харажатларнинг катта қисмини ифодалайди, демак, турли солиқ юрисдикциясидаги ўзаро боғлиқ корхоналарнинг солиққа тортиладиган фойдасини ҳам аниқлайди. Мазкур йўналишларда тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарблигини кўрсатади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Трансферт нархни белгилашда илмий тадқиқотлар ривожланган мамлакатларда тадқиқот йўналишини сифатида ўрганилиб келинмоқда.

Б.Хасанов фикрига кўра трансферт баҳо сиёсати масаласи бўйича молиячи ва маркетинглар ўртасида уни шакллантиришга нисбатан икки муқобил ёндашув – харажатлар ва қиймат ёндашувлари соҳасида баҳс-мунозара келиб чиқади деб такидлаган.

Трансферт баҳолар тўғрисида мулоҳаза юритишда унинг бозор баҳолари билан фарқли жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Амалдаги Солиқ кодексининг «Бозор нархлари тўғрисидаги умумий қоидалар» моддасида битимларнинг нархлари, ушбу битимлар тарафларининг даромадлари ва харажатлари бозор нархлари сифатида тан олиниши учун қуйидаги талаблар бажарилиши таъкидланган: мустақил шахслар

ўртасидаги битимлар, биржа савдоларининг натижаларига кўра тузилган битимлардаги шартномавий нархлар банди ёки нархларни келишиш баённомаси, солиқ тўловчи солиқ (зарар) суммаларига мустақил тузатиш киритишни амалга оширмаган бўлса ва қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолатларда бозор нархи деб топилади.

Соя-Серко А.А. трансферт баҳоларни устидан ўрнатилган солиқ назоратига ишора қилиб, уларни иқтисодий адабиётларда шубҳали ёки ғайриоддий баҳо деб қаралаётганини эътироф этади. Унинг фикрича, трансферт баҳога берилган таъриф ўринли бўлиб, бу ҳолат трансферт баҳоларнинг тижорат мақсадларига эришиш учун бозордан ташқарида томонларнинг келишувига мувофиқ аниқланиши ҳамда айнан солиқ юкини пасайтириш мақсадида қўлланилиши билан изоҳланади.

Аврова (2007) таъкидлашича бошқарув ҳисоби - бу бошқаришнинг режалаштириш, тартибга солиш, ташкиллаштириш ва рағбатлантириш каби функциялари билан бир қаторда бўлган асосий функциясидир. Бу шунинг билан англатадики, бошқарувни такомиллаштириш, бозор механизмини яратиш бухгалтерия ҳисоби тизимини ривожлантириш билан узвий боғлиқдир.

Богатин (2007) бошқарув ҳисобини ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бир қисми сифатида тавсифлаб, у корхонани бошқаришда комплекс маълумотлар билан таъминлашни амалга ошириш бошқа турдаги хизматлар билан биргаликда корхонанинг нормал фаолият юритиш жараёнига зарур бўлган инфратузилмаси бўлиб ҳисобланади.

Друри (2003) бошқарув ҳисобини менежерларга ташкилот ишлаш кўрсаткичларини аниқлаш, режалаштириш, назорат қилиш ва баҳолашда зарур бўлган ахборотни етказиб беришда кўради. У ўз ишларида бошқарув ҳисобининг қуйидаги позицияларига эътибор қаратади;

- бошқарув ҳисобининг мақсади;
- ҳисоб ахбороти фойдаланувчилари;
- бошқарув ва молиявий ҳисоб тизимларининг қиёсий хусусиятлари;
- қарор қабул қилиш жараёни;
- трансферт баҳони шакллантириш;
- бошқарув жараёни;
- бошқарув жараёнида бухгалтер-таҳлилчиларнинг роли.

Попова (2014) солиқ потенциални баҳолашнинг ягона методикасини ишлаб чиқишда қуйидагилар билан боғлиқ бўлган илмий асосланган бошқарув қарорлари қабул қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтган: донор ҳудудлар ва дотацион ҳудудлар ўртасида ҳудудлараро трансфертлар тақсимланиши; ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг ишлаб чиқилиши; амалдаги солиқ тизимининг миқдорий баҳоланиши ва уни янада ривожлантириш йўллари мавжудлиги; ҳудудлар даражасида тармоқлар кесими, шунингдек, солиқ потенциал динамикасининг шаклланиш позицияси бўйича таққослашдан фойдаланиш имкониятлари; солиқ рақобати позициясидан ҳудудларни баҳолаш имкониятини берувчи солиқ потенциални давлатлараро таққосланиши.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада трансферт баҳоларнинг шаклланишини таҳлил қилишда мантиқий усул ва моделлаштириш усуллари, таҳлил ва синтез, норматив ёндашув,

тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик ва эконометрик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон бозори иқтисодиётига интеграциялашиши иқтисодиётнинг тизимини жаҳон стандартларига мос шакллантиришни тақозо қилади. Трансферт баҳоларнинг шаклланиши (инглизча Funds Transfer Pricing, FTP) – бири-бирига ўзаро боғлиқ шахсларнинг корхонанинг бозор баҳосидан фарқ қилувчи ички баҳоларида товарлар ёки хизматларни амалга ошириши. У шахслар гуруҳига тегишли фойдани паст солиқ ставкалари амал қилаётган давлатдаги шахслар фойдасига қайта тақсимлаш имконини беради. Бу тўланадиган солиқларни энг паст миқдорга тушириш мақсадида халқаро солиқни режалаштиришнинг энг содда ва кенг тарқалган усули ҳисобланади. Трансферт баҳолар давлат фискал ташкилотларининг назорат объекти ҳисобланади.

2022 йилнинг 1 январидан Трансферт нархни белгилашда солиқ назорати кучга кирди. (*Солиқ Кодексининг VI бўлими*). Трансферт нархлар деганда ўзаро алоқадор тарафлар ўртасидаги битимларда шаклланидиган ва (ёки) мустақил шахслар ўртасида битимлар тузилаётганда таққосланадиган иқтисодий шароитларда қўлланилиши мумкин бўлган холис тарзда шаклланидиган нархдан фарқ қиладиган нарх тушунилади (*СКнинг 176-моддаси*).

Агар шахслар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ушбу шахслар тузадиган битимларнинг шартларига ва (ёки) натижаларига ва (ёки) ушбу шахслар фаолиятининг иқтисодий натижаларига ёки ўзларини вакил қилган шахсларнинг фаолиятига таъсир кўрсатса, ушбу қисмда кўрсатилган шахслар солиқ солиш мақсадларида ўзаро боғлиқ бўлган шахслар деб эътироф этилади (*СКнинг 37-моддаси*).

Ўзаро алоқадор тарафлар фаолиятининг мустақил шахслар томонидан таққосланадиган иқтисодий шароитларда олиниши мумкин бўлган шароитлар ва натижалардан фарқ қиладиган тижоратга оид ва (ёки) молиявий шароитлар ва (ёки) натижалар Солиқ кодексининг мақсадида трансферт нархни белгилаш деб тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси трансферт нархни белгилашда солиқ назорати доирасида, ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда қуйидаги солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланишини текширади. Бундан ташқари, Солиқ кодекси мақсадида, битимларнинг нархлари, ушбу битимлар тарафларининг даромадлари ва харажатлари қуйидаги ҳолларда **бозор нархлари** деб эътироф этилади:

1) мустақил шахслар ўртасидаги битимлар;

2) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ёки чет давлатнинг қонунчилигига мувофиқ ўтказилган биржа савдоларининг натижаларига кўра тузилган битимлар;

3) монополияга қарши органнинг кўрсатмаларига мувофиқ (тартибга солинадиган нархлар қўлланиладиган битимлар учун Солиқ кодексининг 179-моддасида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инobatга олинган ҳолда) нархлари белгиланган битимлар;

4) нархлари Солиқ кодексининг 25-бобида назарда тутилган нархни белгилаш тўғрисидаги келишувига мувофиқ белгиланган битимлар киради.

Назорат қилинадиган битимларда битимнинг нархи, агар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан бунинг акси исботланмаган бўлса ёки солиқ тўловчи Солиқ кодексининг 177-моддасига мувофиқ солиқ (зарар) суммаларига мустақил тузатиш киритишни амалга оширмаган бўлса, бозор нархи деб топилади. Агар Солиқ кодексининг Махсус қисмида солиқ солиш мақсадида айрим солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш масалалари бўйича товарнинг (хизматнинг) нархини ёки битим тарафларининг даромадларини (харажатларини) аниқлашнинг бошқача қоидалари белгиланган бўлса, Солиқ кодексининг Махсус қисми қоидалари қўлланилади.

Солиқ кодексига мувофиқ қуйидаги битимлар **назорат қилинадиган битимлар** деб эътироф этилади. Солиқ тўловчилар солиқ органларини календарь йилда ўзлари амалга оширган назорат қилинадиган битимлар тўғрисида **хабардор** қилиши шартлиги белгиланган (*СКнинг 182-моддаси*).

Назорат қилинадиган битимлар тўғрисидаги маълумотлар солиқ тўловчи томонидан ўзи ҳисобда турган жойдаги солиқ органига назорат қилинадиган битимлар тузилган календарь йилга оид йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай юбориладиган назорат қилинадиган битимлар тўғрисидаги хабарномаларда кўрсатилади. Назорат қилинадиган битимлар тўғрисидаги хабарнома солиқ органига белгиланган шакл бўйича қоғозда ёки электрон шаклда тақдим этилиши мумкинлиги белгиланган.

Трансферт нархни белгилаш чоғида солиқ назорати ўтказилганида (шу жумладан назорат қилинадиган битимнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартлари ҳамда унинг натижалари таққосланадиган битимларнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартлари ҳамда уларнинг натижалари билан таққосланганда) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу моддада белгиланган тартибда қуйидаги усуллардан фойдаланади (*СКнинг 186-моддаси*):

- 1) таққосланадиган бозор нархларининг усулидан;
- 2) кейинги реализация қилиш нархи усулидан;
- 3) харажат усулидан;
- 4) таққосланадиган рентабеллик усулидан;
- 5) фойдани тақсимлаш усулидан.

Зарур бўлган ҳолларда икки ва ундан ортиқ усуллар комбинациясидан фойдаланилиши мумкин.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан битимга (бир турдаги битимлар гуруҳига) тааллуқли ҳужжатлар солиқ тўловчидан назорат қилинадиган битимлар амалга оширилган календарь йилдан кейинги йилнинг 1 июнидан кейин талаб қилиниши мумкин (*СКнинг 193-моддаси*).

Шунингдек, Назорат қилинадиган чет эл компанияларининг фойдасига солиқ солиш бўйича 2022 йилнинг 1 январидан Назорат қилинадиган чет эл компанияларининг фойдасига солиқ солиш кучга кирди (*СКнинг VII бўлими*). Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари назорат қилинадиган чет эл компанияларининг тақсимланмаган фойдасидан Солиқ кодексига белгиланган тартибда солиқ тўлаши шарт (*СКнинг 203-моддаси*). Чет эл компанияларини назорат

қилинадиган чет эл компаниялари деб эътироф этиш тартиби ҳамда юридик ва жисмоний шахсларни бундай чет эл компанияларини назорат қилувчи шахслар деб эътироф этиш тартиби Солиқ кодексининг тегишинча 39 ва 40-моддаларида белгиланган.

Агар Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти назорат қилинадиган чет эл компаниясини назорат қилувчи шахс деб эътироф этилса, у ушбу назорат қилинадиган чет эл компаниясининг тақсимланмаган фойдасини Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солиниши лозим бўлган ўз даромадлари таркибига киритиши шарт. Юридик шахслар мазкур тақсимланмаган фойдани фойда солиғи базасига, жисмоний шахслар эса – жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи базасига киритади.

Солиқ солиш мақсадида бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга жавоб берадиган чет эл юридик шахси назорат қилинадиган чет эл компанияси деб эътироф этилади:

1) чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этилмайди;

2) Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари деб эътироф этиладиган юридик ва (ёки) жисмоний шахслар чет эл юридик шахсини назорат қилувчи шахслар ҳисобланади. Назорат қилувчи шахслари Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари деб эътироф этиладиган юридик ва (ёки) жисмоний шахс бўлган, юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси ҳам назорат қилинадиган чет эл компанияси деб эътироф этилади (*СКнинг 39-модаси*).

Бундан ташқари, солиқ солиш мақсадида қуйидагилар чет эл компаниясининг назорат қилувчи шахслари деб эътироф этилади:

1) чет эл компаниясида иштирок этиш улуши 25 фоиздан (*2023 йил 1 январга қадар 50 фоиз*) ортиқни ташкил этадиган, Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этиладиган юридик ёки жисмоний шахс;

2) ушбу компанияда иштирок этиш улуши **10 фоиздан** ортиқ бўлган юридик ёки жисмоний шахс, агар Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари деб эътироф этиладиган барча шахсларнинг ушбу компанияда иштирок этиш улуши **50 фоиздан** ортиқ бўлса (*СКнинг 40-моддаси*).

Жисмоний шахслар учун иштирок этиш улуши Солиқ кодексининг 37-моддаси учинчи қисми 11-бандида кўрсатилган шахслар билан биргаликда ҳисобга олинади.

Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойдаси, агар ушбу чет эл компаниясига нисбатан қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилса, ушбу модда қоидалари ҳисобга олинган ҳолда, Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солишдан озод қилинади.

Ўзининг молиявий ҳисоботи маълумотларига кўра молия йилида пассив фаолиятдан олинган даромадларининг улуши кўрсатилган давр учун даромадларининг умумий суммасида 20 фоиздан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган чет эл юридик шахси Солиқ кодексининг мақсадида актив чет эл компанияси деб эътироф этилади (*СКнинг 205-моддаси*).

Устав фондида (устав капиталда) Ўзбекистон Республикаси юридик шахси бўлган назорат қилувчи шахснинг бевосита иштирок этиш улуши кетма-кет келадиган камида уч юз олтамиш беш календарь кун ичида камида 75 фоизни ташкил этган чет эл

юримдик шахси Солиқ кодексининг мақсадида чет эл холдинг компанияси деб эътироф этилади (СКнинг 205-моддаси).

Агар чет эл холдинг компаниясига нисбатан қуйидаги шартларга бир вақтнинг ўзида риоя қилинса, ушбу чет эл холдинг компанияси Солиқ кодексининг мақсадида актив чет эл холдинг компанияси деб эътироф этилади:

1) унинг пассив фаолиятдан олинган даромадларининг (бундан актив чет эл компаниясидан олинган дивидендлар мустасно) улуши молия йилида молиявий ҳисобот маълумотларига кўра ўз даромадлари умумий суммасининг 5 фоизидан ошмаса;

2) ушбу қисмнинг 1-бандида кўрсатилган улушни ҳисоб-китоб қилишда дивидендлари пассив фаолиятдан олинган даромадлар таркибидан чиқариладиган ҳар бир актив чет эл компаниясининг устав фондида (устав капиталида) унинг бевосита иштирок этиш улуши кетма-кет келадиган камида уч юз олтимиш беш календарь кун ичида камида 50 фоизни ташкил этса.

Қайси фаолият турини амалга оширишдан олинган даромад солиқ солиш мақсадида пассив фаолиятдан олинган даромад деб қаралиши Солиқ кодексининг 206-моддасига мувофиқ аниқланади.

Чет эл компанияси мансуб бўлган давлат (ҳудуд) қонунчилигига мувофиқ чет эл компанияси ва унинг алоҳида бўлинмалари томонидан ҳисоблаб чиқарилган даромад (фойда) солиғи ҳамда бундай даромадларнинг тўлов манбаида ушбу компания даромадларидан (фойдасидан) ушлаб қолинган даромад (фойда) солиғи суммасининг чет эл компаниясининг унинг алоҳида бўлинмалари билан биргаликдаги даромадининг (фойдасининг) умумий суммасига нисбати чет эл компаниясининг даромадларига (фойдасига) солиқ солишнинг самарали ставкаси ҳисобланади (СКнинг 207-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси солиқ резидентлари бўлган солиқ тўловчилар солиқ органини қуйидагилар тўғрисида хабардор қилади:

чет эл юридик шахси фаолиятида ўзининг иштирок этиши тўғрисида (юридик шахс ташкил этмаган ҳолда чет эл тузилмаларини таъсис этиш ҳақида) – *чет эл юридик шахслари фаолиятида иштирок этиш тўғрисидаги хабарнома шундай чет эл юридик шахсида бундай хабарномани тақдим этиш учун асос бўлган иштирок этиш юзага келган (улуш ўзгарган) санадан эътиборан бир ойдан кечиктирилмаган муддатда тақдим этилади;*

чет эл компанияларининг назорат қилувчи шахслари ҳисобланган назорат қилинадиган чет эл компаниялар ҳақида – *назорат қилинадиган чет эл компаниялари тўғрисидаги хабарнома назорат қилинадиган чет эл компанияси фойдасининг улуши Солиқ кодексининг 208-моддасига мувофиқ назорат қилувчи шахсда ҳисобга олиниши керак бўлган солиқ давридан кейинги йилнинг 20 мартидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этилади (СКнинг 209-моддаси).*

Хулоса ва таклифлар

Солиқ маъмурчилигининг самарадорлигини ошириш мақсадида Солиқ кодексининг 248-моддаси 4-қисми қуйидагича таҳрир қилиш. Яъни Солиқ тўловчилар томонидан товарлар (хизматлар) реализациясида битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли. Солиқ тўловчи бундай қарор юзасидан битимнинг

нархи бозор нархларига мувофиқлигини ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қаратилмаганлигининг асосларини тақдим этиш йўли билан низолашишга ҳақлигини белгилаш. Солиқ кодекснинг 134-моддасида банкларнинг солиқ назоратини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлари қаторида ҳар ойда ой якуни билан кейинги ойнинг 3-санасигача электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсларига Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахсларидан қанча маблағлар ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни солиқ органларига тақдим этиш мажбурияти қўшилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Б.А.Хасанов. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. Т.: «Молия», 2003., б. 154.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири). 176-178 моддалар. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон. www.lex.uz/docs/4674902.
3. Соя-Серко А.А. Трансфертное ценообразование: на что нужно обратить внимание аудиторам. www.cyberleninka.ru/article/n/transfertnoe-tsenoobrazovanie-na-chto-nuzhno-obratit-vnimanie-auditoram (мурожаат қилинган сана: 17.04.2020)
4. Аврова И.А. (2007) Управленческий учет.– М.: Бератор-паблишинг.– 324с.
5. Богатин Ю.В. (2007) Управленческий учет: информационное обеспечение рациональных плановых решений фирмы. – М.: Финансы и статистика. – 512 с.
6. Друри К. (2003) Управленческий учет для бизнес-решений: Учебник; Пер. с англ. М.:ЮНИТИ-ДАНА. – 655 с.
7. Попова Г.Л. (2014) Классификация формализованнқх методов оценка налогового потенциала. Экономический анализ: теория и практика.34 (385) –с.44-55.
8. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Ғафур Ғулом насҳриёт уйи 2020.- 640 б.